



ОТМЛАРДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН БАЪЗИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Аннотация:

Калит сўзлар:

*Information about
the authors*

Эрназаров Алишер Эргашевич –

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Ахборот технологиялари кафедраси мудири, PhD

alexchigatay1213@gmail.com

Ўқув машғулотлари жараёнига татбиқ қилинадиган ҳар қандай педагогик технология, унинг компонентлари машғулот мазмуни, ўқув дастури, дарслик ёки педагог фаолияти орқали ўтилишидан қатъий назар, таълим олувчининг эркин ва ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиши талаб этилади.

Ўқитиш усуллари ўқув машғулотлари жараёнининг асосий қисми ҳисобланади, уларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди. Билимларни узатиш ва қабул қилиш характериға қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалий усулларға бўлинади. Ўқув машғулотлари мавзулари мазмунини ўзлаштиришда: тушунтириш-иллюстратив, репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот усуллари қўлланилади.

Таълимнинг оғзаки усуллариға: маъруза, суҳбат кабилар қиради. Уларни қўллашда педагог сўз воситасида ўқув материалини баён қилади, тушунтиради, таълим олувчилар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қилади.

Маъруза ўқитишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, педагогик фаолиятда етакчи ўринни эгаллайди. Маъруза давомида бериладиган билимни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида таълим олувчиларнинг диққатини тутиб туриш, фикрларини фаоллаштириш, исботлаш, таъриф бериш, бир тизимға келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади. Фанларни, одатда, кўпроқ маърузалар тарзида баён этилади. Чунки, бундай курслар кўпроқ назарий ёки умумлаштирувчи характериға эга бўлади. Уни ташкил этиш пайтида педагог фаннинг муҳим жиҳатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Маърузада ўқув материали тез ва соз ўзлаштирилади. Агар ўқув машғулотлари жараёнида ёдға тушириш, категориялар бўйича тақсимлаш, таърифлар келтириш, баҳолаш ва тушунтириш каби дидактик мақсадлар амалға оширилиши лозим бўлса, албатта, маъруза шаклидаги ўқув машғулотлари ташкил этилиши мақсадға мувофиқ. Ҳаёт билан, кундалик турмуш билан, муҳим воқеалар билан алоқадорликда баён этилган маъруза материали осон ўзлаштирилади. Назарий билимлар ва дунёқараш аҳамиятиға эга бўлган маълумотлар маъруза ёрдамида берилиши ҳам муҳим. Ҳар қандай юқори савияда ўтказилган маъруза, агар узоқ вақт давом этса, таълим олувчиларнинг эшитиш қобилияти сусаяди ва чарчайди. Шунинг учун илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилган маърузалар самарали бўлади. Маърузачи ўз маърузасини бир неча қисмларға бўлади. Ҳар қисмни



15-20 дақиқа давом эттиради ва ҳар бир блокдан сўнг тўхтаб, савол-жавоб ўтказилади. Маъруза давомида айрим муаммолар ўртага ташланади. Шу вақт оралиғида, бу муаммога таълим олувчиларнинг муносабати аниқланади, уларнинг фикрлари тингланади. Маърузачи таълим олувчиларнинг қизиқиш, интилиш, масъулияти ошиб боришни кузатиб бориш, шу вақт ичида фаол иштирок этувчиларни рағбатлантириб бориши лозим. Машғулоти учун маърузанинг технологик харитасини тузиш мақсадга мувофиқ.

Маърузанинг технологик харитаси

Иш жараёнлари	Фаолият мазмуни Педагог	Таълим олувчи
1-босқич. Кириш (20 дақиқа)	1. Мавзу номини айтиб, дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. 2. Мавзу бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат шакллари ва рейтинг баллари билан таништиради. 3. Машғулоти якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради. 4. Мавзунинг ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради. 5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади ҳамда натижаларини баён қилади. 6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида доскага мавзунинг ёзилади. Таълим олувчилар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	1. Тинглайди. 2,3,4. ЎУМга қарайди. 5. Мавзу номини ёзиб олади. 6. Эркин фикр билдиради.
2-босқич Асосий (50 дақиқа)	1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради. 2. Маърузани режа бўйича тушунтиради ҳамда якунида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. 3. Ҳар бир режани мустақамлаш учун саволлар беради. 4. Таянч ибораларига таълим олувчиларни диққатини қаратади ва яна бир такрорланади.	1. Тинглайди. 2. Тинглайди, слайдларга эътибор қаратади, ёзиб олади ва саволлар беради. 3. Саволларга жавоб беради. 4. Таянч ибораларини муҳокама қилади ва ёзиб олади.
3-босқич. Якуний. (10 дақиқа)	1. Ўқилган машғулоти бўйича якунловчи хулоса қилади. 2. Мустақил тайёргарлик учун уйга вазифа беради. 3. Таълим олувчиларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади. 4. Келгуси машғулоти тайёргарлик қўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	1. Таълим олувчи эшитади, ёзиб олади. 2. Топшириқ олади. 3. Эшитади. 4. Эшитади ва ЎУМга қарайди.



Суҳбат усули атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида педагог билан таълим оловчилар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, уларнинг мустақил фикрлашини янги тушунчалар ва қонуниятларни эгаллашга олиб келади. Уни қўллашда саволларни қўйиш, таълим оловчиларнинг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулларида фойдаланилади.

Амалий усулларда вазифа (мақсад)ни қўйиш, уни бажариш усулини режалаштириш, бажариш жараёнини бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун ўқув машғулоти жараёнига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш ишлари амалга оширилади. Амалий машқларни бажаришда таълим оловчилар бўлажак ҳатти-ҳаракатларини фаол мушоҳада қилади, ўзига-ўзи эшиттириб гапиради ҳамда бўлажак воқеани шарҳлайди. Бу таълим оловчиларга ўз хатосини англашга ва ҳаракатига тузатишлар киритишига кўмаклашади.

Амалий усуллар тарбияни сўз орқали ифодалаш ва уни кўргазмали усуллар билан мустаҳкамлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қўлланилади, бунда машқ, тарбия, меҳнат операциясини бажаришдан олдин педагог тушунтириш беради, кўрсатади. Оғзаки тушунтириш ва кўргазмали намойиш, одатда, машқни бажариш жараёнининг ўзи билан бир вақтда олиб борилади. Кейинги йилларда таълим муассасаларида фронтал лаборатория ишлари мустаҳкам ўрин олди.

Мунозара усули. Кўпчилик фанлар ва уларнинг мавзулари таълим стандартлари, фан дастурлари, ўқув режаси ва таълим муассасасининг ўзига хослигига боғлиқ равишда ҳамда таълим оловчилар контингенти билан алоқадорликда мунозара тарзидаги ўқув машғулотларини тақозо этади. Бунда, таълим оловчилар фаоллиги таъминланади, шубҳали вазиятларга ўрин қолмайди, уларнинг истак-хоҳишлари тўла қондирилади, муҳими ўқув материаллари тўла-тўқис ўзлаштирилади, асослар, хулосалар мукамал кўриниш ва мазмунда бўлади. Бошқариладиган ва эркин мунозара турлари мавжуд. Бошқариладиган мунозарада педагогнинг иштироки сезиларли даражада бўлади. Эркин мунозара эса педагог ва таълим оловчиларнинг демократик тарздаги иштироки билан ўтказилади. Мунозаранинг натижасини педагог олдиндан лойиҳалаш лозим. Якуний хулосалар илмий билиш назариясига зид келмаслиги педагогнинг касбий салоҳияти билан таъминланади. Мунозаранинг муваффақияти таълим оловчиларнинг қизиқиши ва билимига боғлиқ.

Гуруҳий иш усули. Бу хорижда оммавийлашган ўқитиш усулидир. Масалан, Данияда бирорта ҳам маълумот ёки касб гуруҳий ишсиз эгалланмайди. Кам сонли таълим оловчиларнинг қандайдир муҳим ўқув тадбирида иштирок этиши ва уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бундай машғулотнинг самарасини белгилайди. Бажарилиш даражаси ва унинг сифатини педагог назорат қилади. Педагогик мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда бундай гуруҳлар хусусий ҳолат учун шакллантирилади.

Муаммоли топшириқ усули. Аниқ вазият ва қўйилган масаланинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда муаммоли топшириқлар ёрдамида самарага эришиш мумкин. Фактлар ва маъруза материаллари ўзлаштириш, топшириқлар ҳамда машқ ва масалалар ечимида муаммоли вазият яратилиши қўл келади. Бунда кичик гуруҳлар шакллантирилади, ўқув материаллари гуруҳларга алоҳида-алоҳида бўлиб берилади. Якуний хулосалар ва ечимлар топилгач мавзулар гуруҳлар орасида айирбошланади.

Лойиҳавий топшириқ усули. Бирор ўқув материални атрофлича ўрганиш учун бу ёндашув самарали бўлади. Ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, хулоса чиқариш ва якуний қарорга келиш учун узок муддатли лойиҳаланган режа зарур. Бу тадбирни ўтказиш учун бошланғич таянч



маълумотлар талаб қилинади. Фанни ўзлаштиришнинг босқичларида даврий равишда татбиқ қилинади. Бундай топшириқлар ўқув ижодкорлигини оширади, мустақиллик сари етаклайди.

Эркин фикрлаш машғулоти усули. Бу илмий-оммабоп адабиётлар, вақтли матбуотда чоп этилган мақолалар ва уларнинг муҳокамаларига бағишланади. Бу машғулотлардан кўзда тутилган мақсад: таълим олувчиларнинг билим доирасини, илмий дунёқарашини кенгайтириш. уларни илмий, илмий-оммабоп мақолалар, рисоалар, китоблар билан таништириш орқали, уларнинг билим олиш ва фанга бўлган қизиқишларини орттириш, уларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни эгаллашларига эришишдир.

Мунозарали машғулотларнинг муваффақияти қуйидаги масалаларни тўғри ҳал этишга боғлиқ: таълим олувчиларнинг машғулотга қизғин тайёргарлик кўришига, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ёрдам уюштирилишига, уларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ баён қилиши ва мантиқан далиллашига, уларда бошқаларнинг фикрини чидам билан тинглаш кўникмаларининг ҳосил қилинганлигига, педагогнинг иқтидори, эътиқоди, таълим олувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштира олиш кўникма ва малакаларига эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Саволлар бериш усули. Савол муаммони аниқлаш, ифодалашга хизмат қилади. Таълим олувчи саволга жавоб беролмайдиган вазиятни педагог оддий ҳол деб билиши керак. У кўпроқ очик, ижодий саволлар бериши керак, бунда жавоблар бир неча хил бўлиши мумкин, бу эса мулоқотнинг давом этирилишига чорлайди. Савол билан таълим олувчиларни ҳимояланишга мажбурламаслик керак, уларда танлашга имконият бўлиши керак ва бу имкониятни ўзлари яратади.


Педагогикада савол бериш турлари

<i>Аниқловчи саволлар</i>	Одатда улар: Яъни сен демоқчисанки...? Агар тўғри тушунган бўлсам...? Балки янглишаяпман, лекин менимча Сиз ...ҳақида айтдингиз? сўзларидан бошланади. Бу саволларнинг мақсади айтилган гапларга тескари алоқа ўрнатишга имконият беришдир. Баъзан улар хабарда берилмаган, лекин назарда тутилган ахборотни олиш учун берилади. Бу саволларни салбий имо-ишорасиз бериш, пародия сифатида ҳаммага маълум мисолни келтириш мумкин. Масалан, Сен ҳақиқатдан ҳам... деб ўйлайсанми?
<i>Тушунтириш саволлари</i>	Одатда Нега? сўзи билан бошланади. Баъзи вазиятларда салбий қабул қилиниши мумкин, ўзини оқлашга мажбурлаш сифатида. Бошқа ҳолларда улар сабаб оқибат алоқаларини ўрнатишга қаратилади. Нега кузда дарахтлардаги барглар сарғаяди? Агар бу саволга жавоб маълум бўлса, у тушунтиришдан оддийга айланади. Демак, бу турдаги савол фақат жавобда мустақиллик элементи бўлсагина яхши натижа беради.
<i>Ижодий саволлар</i>	Агар саволда бўлса эди қўшимчаси мавжуд бўлса, шартлилик элементлари, тахмин, башорат бўлса, у ижодий дейилади.
<i>Баҳолаш саволлари</i>	Бу саволлар у ёки бу воқеа, воқелик, фактларни баҳолаш мезонларини аниқлашга қаратилган. Масалан. Нега бу яхши, бу эса ёмон? Бир машғулотнинг иккинчи машғулотдан фарқи нима?




<i>Амалий саволлар</i>	Агар савол назария билан амалиёт ўртасидаги боғланишни аниқлашга қаратилган бўлса, уни амалий деб айтамыз. Масалан, ҳикоя қаҳрамони ўрнида нима қилган бўлардингиз?
------------------------	---

Таълим оловчилар ва педагог учун зарур ўқув анжомлари ҳамда жиҳозлари педагогик технологиянинг зарур воситалари ҳисобланади.



Умуман педагогик технологиянинг сифати ва самарадорлиги ҳозирги кунда кўп жиҳатдан барча турдаги зарур воситаларнинг сифати ва улардан юқори самарадорлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Бу воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш педагогнинг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ. Воситалар турли ва қанчалик замонавий бўлмасин педагог маҳорати ва унинг ўз ишига маъсулияти етарли бўлмаса, бундай жараён самарасиз яқунланади.





Ўқув машғулотли жараёнида мазкур воситалардан ўз ўрнида фойдаланиш таълим олувчиланинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқув машғулотли жараёнида педагогик технологияларни қўллаш учун мазкур технологияларни жорий этишнинг ўзига хос воситалари зарур бўлади.

Педагогик технологияларни жорий этиш воситалари

Новербал воситалар.	Мимика, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Новербал воситалар жиддий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга бўлиб, бу ҳаракатларни турли халқларда турлича тушунилади. Бу ҳаракатларни новербал нутқ деб номлаш қабул қилинган. Новербал нутқ инсоннинг у ёки бу мускуллари ҳаракати, шу жумладан, унинг фикрлаши ҳам ундаги маълум мускуллар ҳаракатидан иборат эканлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бир имо-ишора қилиб қўйишнинг таъсири гапиргандан кўра кучли бўлиши ҳеч кимга сир эмас.
Визуал (кўргазмали) воситалар.	Педагогик технология жараёнида таълим олувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвирлар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фото суратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвирлар, жониворлар, ўсимликлар, табиат объектлари, турли буюмлар кабилар киради. Кўргазмали воситаларнинг педагогик технологияда қўлланилиши таълим олувчиларга ўргатиш керак бўлган ахборотга тегишли мазмунни турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри тушунтириш имкониятини беради.
Аудио воситалар.	Эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини беради. Ҳозирда кўпроқ аудиовизуал воситалар, яъни бир вақтда эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвирлардан фойдаланилади. Аслида эса амалиётда мавжуд шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ижодий ёндашув асосида мавжуд воситалардан комплекс фойдаланиш самара бериши мумкин.
Табиий воситалар.	Педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар киради. Булар одам ва жониворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюмлар, машиналар, механизмлар, иншоот кабилардан иборат.

Педагоглар юқорида номлари қайд этилган усуллар ва воситаларни амалиётга самарали жорий этиши учун: давр талабига мос ўқув машғулотлари мақсадини аниқ ва равшан белгилаши; мазкур жараён мазмунини фан дастурлари бўйича мукамал эгаллаши; мунтазам педагогик



маҳоратини ошириб бориши; дидактик жараёни амалга ошириш билан таниш бўлиши; ўқув машғулотларини амалга оширишда ўқитишнинг самарали шакл, усул, восита ва технологияларидан фойдалана олиши ҳамда таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиб, баҳолаб бориши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлиякулов Н.Х. Новые педагогические технологии. Учебник для высших учебных заведений. Ташкент. 2008.
2. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. (Анализ зарубежного опыта) - Рига, НПЦ «Эксперимент», 1995 - 176 с.
3. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе: Анализ зарубежного опыта. - М.: Знание, -1989. - 80 с.
4. Коростылева Н.Я. Педагогическое целеполагание в современной школе как объект управления: дис. ... канд. пед. наук. СПб., -2002.
5. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. М., -1990.
6. Лебедев О.Е. Теоретические основы педагогического целеполагания в системе образования: дис. ... д-ра пед. наук. СПб., -1992.
7. Левитес Д.Г. Практика обучения: современные образовательные технологии. /М.: Изд-во «Институт практической психологии»; Воронеж: НПО «МОДЭК», -1998.
8. Лутфиллаев М.Х. Маъруза машғулотларини ташкил этишнинг шакли ва методлари // Касб-хунар таълими. - Тошкент, -2003. -№2. - Б. 21-22.
9. Мавлянов А. Абдалова С. Эрназаров А. “Илғор педагогик технология бўйича ўқув машғулотини лойиҳалаш”. Замонавий таълим. -2016. №2. -Б.25-29.
10. Эрназаров, А. (2020). METHODOLOGY FOR MODERN ORGANIZATION OF TRAINING EDUCATION AND ITS IMPLEMENTATION. *Scienceweb academic papers collection*.
11. Ernazarov, A. E. (2016). Improving the effectiveness of educational activities based on problem-based learning technologies. *Education, science and innovation.-Tashkent*, 1, 86-89.
12. Ernazarov, A. E. (2021). Modern technologies of organizing educational activities. *Innovations in pedagogy and psychology.-Tashkent*, 5, 204-206.
13. Ernazarov, A. E. (2021). Innovative technologies and their practical application in the continuous education system. Urganch State University. *Journal of scientific research.-Urganch*, 8, 89-91.
14. Эрназаров, А. (2020). METHODS OF MODERN ORGANIZATION AND IMPLEMENTATION OF TRAINING. *Scienceweb academic papers collection*.
15. Эрназаров, А. (2020). Specific features of training. *Scienceweb academic papers collection*.
16. Ergashevich, E. A. (2023). Some Pedagogical Technologies Used in the Process of Organizing Training Sessions in Higher Education Institutions. *Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation (2993-2777)*, 1(9), 14-19.
17. Ergashevich, E. A. (2023). Analysis of the State of Use of Modern Teaching Methods and Technologies in Educational Institutions. *Journal of marketing, business and management*, 2(6), 7-12.